

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

22 июнь 2022 й.

Бухоро ш.

“Бухорогидротехника” масъулияти чекланган жамияти, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари (вазифаси, фамилияси, исми) номидан Ж.Курбонов бир томондан ва “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари хавза бошқармаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Э.Файзиллаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1 Ушбу шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари хавза бошқармасига қарашли Шохруд каналидаги Хачкап гидроузелини жорий таъмирлаш бўйича тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ишларини бажаришни, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2 Ушбу шартноманинг умумий суммаси 134 972 872 сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. “Буюртмачи” томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 134 972 872 (Бир юз ўттиз тўрт миллион тўққиз юз етмиш икки минг саккиз юз етмиш икки) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши шартнома умумий суммадан 30 % аванс кўчгандан сўнг.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаш вақти 2021 йил “30”сентябргача.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. “Буюртмачи” томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 134 972 872 сўмни ташкил этади. “Буюртмачи” таъмирлаш ишларини бошлаш учун “Пудратчи”га шартнома нархининг 30 % ёки 40491862 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июнь ойида амалга оширилади. “Буюртмачи” томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг, амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 94 481 010 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.
- 4.2. “Буюртмачи” тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3. “Пудрат” ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси 134 972 872 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкilotларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни “Буюртмачи”га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:
- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;
 - кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;
 - ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;
- Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.
- 5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, “Буюртмачи” махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04 % микдорда “Пудратчиға” жарима тўлайди.

6.2. “Буюртмачи” таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани “Пудратчи” билан биргаликда тузади.

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Ҳазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил “31” декабрда амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначилик рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

“Бухорогидротехника” МЧЖ
(ижрочининг номи)
Манзили: Бухоро ш.
тел. 93-960-01-01
х/р-20208000204569859001
банк номи: Ипотека банк Бухоро филиали
МФО 00088
ИНН: 300128417

“БУЮРТМАЧИ”

“Аму-Бухоро” ИТХБ
манзили: Бухоро ш. Б.Накшбанд 297/1
тел/факс 225-52-91
х/р 100021860064017042402170003
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР и: 204658762
ОКОНХ: 22100
Ҳазначилик булинмаси номи: Бухоро вилояти
буйича Ҳазначилик бошқармаси
Ҳазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошент шаҳар Марказий
Банкнинг ХККМ
МФО: 00014
Ҳазначилик булинмаси СТИР и: 201122919

Раҳбар

(ИМЗО)
М.У.



Раҳбар

(ИМЗО)
М.У.



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): Х.Муродов
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: КВ № 811969 1 июль 1985 йил.